

ҲАРБИЙ ОРКЕСТРЛАР: ТАРИХ ВА БУГУН

Махмудов М.М.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Оркестрлар хизмати

Аннотация: Мамлакатимизда юз бераётган барча ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳалардаги ўзгаришлар аввало инсонларни дунёқараши, тафаккурини ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Ушбу мақола ҳарбий мусиқа турлари жанговарлик руҳиятини олий даражада сақлаб турувчи кучлиги ва дамли чолгулар оркестрининг ташкил топиши ва ривожланишига асосланади.

Калит сўзлар: Шарқ мусиқа маданияти, Амир Темур, чолгу асбоблари, оркестр, дамли чолгулар, концертлар.

Аннотация: Изменения во всех социально-экономических, духовных и образовательных сферах, происходящие в нашей стране, вызывают изменение мировоззрения и мышления людей. В основу данной статьи положено формирование и развитие мощного и расслабляющего оркестра видов военной музыки, поддерживающего высокий уровень боевого духа.

Ключевые слова: восточная музыкальная культура, Амир Темур, музыкальные инструменты, оркестр, музыкальные инструменты, концерты.

Abstract: Changes in all socio-economic, spiritual and educational spheres taking place in our country cause a change in people's worldview and thinking. The basis of this article is the formation and development of a powerful and relaxing orchestra of types of military music that maintains a high level of morale.

Key words: oriental musical culture, Amir Temur, musical instruments, orchestra, musical instruments, concerts.

Ҳақиқий санъатни, соф ва боқий мусиқани фақат Парвардигори оламнинг марҳамати билан ҳазрати Инсон яратади. Мусиқа санъати маданий феномен сифатида янги авлодни тарбиялаш ва камолга етказиш борасида чексиз имкониятларга эгадир. Санъат билан ошно бўлган ёшларнинг ҳаётга муносабати, миллий урф-одат ва умумбашарий қадриятларга ҳурмати баланд бўлади. Ва мен ишонаман, улар дунёни маънавий таназзулдан қутқаришига қодир бўлган, ўзаро аҳиллик ва бирдамликни улуғловчи авлод бўлиб майдонга чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

Шу кунларда генератив мусиқа, сунъий интеллект ҳақидаги баҳслар кизгин тус олмоқда. Келажак мусиқасини энди фақат техника яратади, деган башоратлар илгари сурилмоқда. Лекин ҳаммамиз яхши биламизки, ҳар қандай мукамал техника воситаси ҳам тирик инсон нафасини, унинг юрак нолаларини, жонли овоз жозибасини, чинакам санъат ўрнини ҳеч қачон босолмайди. Сайёрамизда турли келишмовчилик ва қарама-қаршиликлар, уруш ва низолар авж олган таҳликали замонда, одамзот тобора ўз дунёсига

ўралиб бораётган бир шароитда мусика инсонга инсонлигини эслатиб, унинг калбида келажакка умид ва ишонч уйғотади. Шу маънода, мусика – ҳеч нарса билан ўлчаб, солиштириб бўлмайдиган бекиёс илоҳий таъсир кучига эга, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз.

Биз бугун Янги Ўзбекистон номи билан танилаётган муқаддас заминимиз Учинчи Ренессансга пойдевор қўйилаётган бир даврда яшамоқдамиз. Мамлакатимизда юз бераётган барча ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳалардаги ўзгаришлар аввало инсонларни дунёқараши, тафаккурини ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Қадимдан бизнинг аждодларимиз ҳар тарафлама баркамол, комил инсон ва маърифат соҳиблари бўлибгина қолмай, ахлоқий етук, қалбан пок, ақл-заковати ва интеллектуал қобилияти билан ўз даврининг муаммоларига ечим топиб келганликлари ҳақида ўз асарларида баён қилишган. Аждодларимиздан бизгача мерос бўлиб келаётган мусикаларнинг ўрни ҳеч қайси даврда ўз мавқеини йўқотгани йўқ.

Ўрта аср Шарқ мусика маданиятининг энг йирик намояндаси Абу Наср Муҳаммад ибн Узлуг Тархон Форобий забардаст бастакор ҳамда уд, танбур, гижжак, най каби асбобларнинг моҳир ижрочиси бўлган. Форобий ўткир диди ва ажойиб мусикий қобилияти туфайли ўрта ва яқин Шарқда яшовчи турли халқларнинг мусика маданияти билан яқиндан таниш эди. Аллома соз чалар, куй ижро этиб, одамларга кучли таъсир берар, гоҳо жўшқин кишиларни хомуш аҳволга солар, баъзан эса зийракларни ухлатарди, хуллас, шинавандаларни ҳайратда қолдирганлиги тўғрисида ривоятлар мавжуд. Илмда эса у оламшумул аҳамиятга эга асарлар ижод этиб, мусикашунослик тарихида сўнмас из қолдирди. Форобийнинг фикрича, ҳар қандай илмда инсоннинг камол топмоғи учун учта ҳолатга мурожаат қилинади: унинг асосларини пухта эгаллаш, шу фан асосларидан керакли натижалар чиқара билиш, мавжуд ҳатоликларни топиш ҳамда тузата олиш.

Шарқ табобатининг буюк асосчиси, мутафаккир Абу Али ибн Синонинг серқирра илмий меросида ҳам мусика муҳим ва салмоқли ўрин тутди. Ибн Сино ўзидан олдин ўтган юнон файласуфлари Аристотель, Птоломей, Эвклид, шунингдек Хоразмий, Киндий ва Форобий асарларини ижобий ўзлаштириб, мусика илмида мустақил таълимот яратди. Буюк табиб мусика илмини ёшлигиданок пухта эгаллаган. Бу даврда Бухорода ва кейинчалик Ибн Сино яшаб ижод этган Урганч, Рай, Ҳамадон каби марказий шаҳарларда бастакорлар, устоз хонанда ва созандалар ижодининг барқ уриши, мусика тафаккурининг юксак намуналаридан бўлган макомларнинг жорий қилиниши бу соҳа ривожига катта йўл очди. Ибн Сино асарлари бу борада бебаҳо аҳамият касб этади. Ибн Синонинг «Тиб қонунлари», «Нажот» ҳамда «Ишқ рисоласи» китобларида ҳам мусикага тегишли маълумотлар берилган. Ибн Сино меросидан Шарқ ўрта аср йирик мусикашунослари Абу Мансур ибн Зайла, Сафиуддин Урмавий, Ғарбнинг атоқли олимлари Винченцио, Ғалилей ва Жузеппо Салионлар илҳом олганлар. Чолгу асбобларини ҳам кенг ўрганган табиб одам овозини энг мукаммал мусикий

восита деб билган ва бошқа чолгу асбобларини шунга қиёс қилиб ўрганган. Ибн Синонинг энг севган мусиқа чолгуси гижжак бўлган.

Амир Темур давридаги ҳарбий юришлар натижасида турли мамлакатлардан келтирилган хунармандлар, олимлар, хонандаю-созандалар шаҳар маданиятининг ўсишига катта ҳисса қўшдилар ва санойи нафиса билан қизиқувчи ёшларга ўз хунарларини ўргатдилар. Амир Темур томонидан отда чопиш, кураш, найзабозлик, қиличбозлик, ёяндозлик ва бошқа ҳарбий ўйин мусобоқалари ҳамда кўпқариларининг ҳар томонлама тақдирланиши ҳарбий мусиқа, айниқса очик ҳавода ижро қилинадиган дамли ва зарбли чолгуларнинг аҳамиятини оширди. Маҳоратли созандаларнинг етишиб чиқишига кенг йўл очиб берди. Бундай катта тантаналар Ҳиротда, Самарқанд ва бошқа йирик шаҳарларда «тарабхона», «томошагоҳ», «сайилгоҳ» каби майдонларда ўтказилган. Томоша ёки сайил бошланишидан олдин сурнай, карнай, тобил, ногоралардан ташкил топган гуруҳ ижросида «Оломон йигар», «Шодиёна», «Баҳри тобил» ва шуларга ўхшаш аҳолини йигинга чорловчи куйлар чалинган.

Ўзбек ҳарбий зодагонларининг юксак маърифатли вакили бўлган Амир Темур мусиқа санъатининг муҳим эстетик аҳамиятини маънавий омил сифатида ҳарбий мусиқа турларини қўшинларнинг жанговарлик руҳиятини олий даражада сақлаб турувчи куч деб билган ва унинг ривожига катта эътибор берган. У тарихда биринчи бўлиб, аскарларни жанговар байроқлар ва мусиқа чолгу асбоблари билан тақдирлаш одатини ҳарбий удумга киритади. Соҳибқирон бобомиз ўз тузукларида «Амр қилдимки, қайси бир амир бирон мамлакатни фатҳ этса, ё ганим лашкарини енгса, уни уч нарса билан мумтоз қилсинлар фахрли хитоб, туг ва ногора бериб, уни баҳодир деб атасинлар» ва «Амр қилдимки, ўн икки катта амирларнинг ҳар бирига битта байроқ ва бир ногора берилсин. Амир ул умарога байроқ ва ногора, туман туги ва чортуг тақдим этсинлар. Мингбошига еса бир туг ва карнай берсинлар. Юзбоши ва ўнбошига биттадан катта ногора берсинлар. Аймоқларнинг амирларига бўлса биттадан бургу тақдим этсинлар. Тўрт бегларбегининг ҳар бирига биттадан байроқ, ногора, чортуг ва бургу берсинлар» деб ёзади. Шуниси эътиборлики, Амир Темур лашкарида мусиқа чолгулари фақатгина маънавий рамзиёт ҳисобланмасдан, балки кўпроқ ҳолларда асосан ҳарбий матонат, шижоат нишони, жангчиларнинг табақа ва мартабаларини кўрсатувчи ҳарбий даража белгиси сифатда кадрланган. Амир Темурнинг мусиқа санъатини юқори даражада баҳолаши, чолгулардан ҳарбий нишон, жасорат рамзи сифатида фойдаланиши – жаҳон мусиқа санъати тарихида мислсиз воқеа сифатида баҳоланганлиги эътироф этиш жоиз.

Дамли чолгулар оркестрини ташкил топиши ва ривожланиши ҳарбий тарих билан чамбарчас боғлиқдир. Дамли чолгулар оркестрларидан, асосан ҳарбий мақсадларда, яъни ҳарбий маросимларга алоқадор мусикалар ижро этилганида ва ҳарбий қисм ҳамда бўлинмаларнинг жанговор ҳаракатларида фойдаланилган. Мусиқа чолгулари оркестр таркибидан жой олишдан аввал жуда Мураккаб ривожланиш жараёнини босиб ўтди. Тарихий ва илмий

адабиётларда харбий кўшинларда фойдаланилган Мусика чолгулари ва гуруҳлари ҳақида кўплаб Маълумотлар берилган. Отлик кўшинларда трубалар ва литавралардан, пиёда кўшинларда эса флейталар ва барабанлардан фойдаланилган. Айнан мана шу кичик ансамбль гуруҳлари келажакда харбий дамли чолгулари оркестрининг пойдеворини ташкил қилди.

Марказий Осиё минтақасида Бухоро Амири Амир Олимхон даврида дастлабки дамли оркестр тузилиб, дамли чолгулар ижрочиларини тарбиялаш йўлга қўйилган. Шунингдек Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Фарғонадаги биринчи ўзбек дамли чолгулар оркестрининг ташкилотчиси бўлиб, бу оркестрда мусика санъатига алоҳида эътибор берган ҳолда ўзбек ёшлари орасида мусика хаваскорларини чолгу ижрочилигига ўргатган шахсдир.

Дамли чолгуларнинг ҳозирги кўриниши юз йиллар давомида турли давлатларда ўз тараққиётини босиб ўтиши орқали юзага келиб, ўзига хос ва мос репертуари, миллий ҳамда жанрий йўналишлари сабабли турли кўринишдаги таркибий шакллари яратилди. Оркестр кўп сонли мусикачилар жамоасидан ташкил топган ва дирижёр томонидан бошқариладиган турли мусика чолгулари ҳамда махсус ёзилган мусика асарларини ижро этадиган мураккаб организмдир.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ собиқ Ички кўшинлари Намунали – кўргазмали оркестри 1993-йил 10-январда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими полковник Григор Ервантович Терзян бошчилигида ташкил этилган. 2005-йил 25-октябрдан Марказий аппарати тизимига ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Алоҳида намунали кўргазмали оркестри Ички ишлар органлари оркестрлари, ИИВ таълим муассалари оркестрлари, ИИВ кўшинлари оркестрлари ичида етакчи профессионал-ижодий жамоа ҳисобланади. Оркестр мусика санъати воситасида ИИВ шахсий таркибини гоёвий, ватанпарварлик руҳида ва маданий – эстетик тарбиялашга, уларнинг оила аъзолари кўнгилли дам олишларини таъминлашга кўмаклашади. Оркестрнинг хизмат – ижодий фаолияти чуқур гоёвий мазмун билан бойитилган ва шахсий таркибнинг жанговор, хизмат ҳамда ижтимоий – сиёсий тайёргарлиги билан узвий боғлиқдир. Ушбу фаолият маданий – марифий муассалар билан ҳамкорликда амалга оширилади. Оркестр репертуарининг асосини юксак гоёвий, қаҳрамонлик ва харбий – ватанпарварлик мавзусидаги асарлар ташкил этади.

Оркестр барча йирик давлат тадбирлари; Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллиги куни, Ватан ҳимоячилари куни, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни, Наврўз умумхалқ байрами, Халқара хотин-қизлар куни, хотира ва қадрлаш куни, Халқаро Болалар куни, Ички ишлар органлари ходимлари куни байрамлари муносабати билан ташкил этиладиган байрам дастурларида, шунингдек ИИВ томонидан ўтказиладиган бошқа тадбирлар, тантанали йигилишлар, қасамёдлар, ИИВ Академияси офицерлари, Малака ошириш институти битирув маросимларида, саф кўриқларида ўзининг мусикий чиқишлари билан фаол иштирок этади. Бундан

ташқари, ўзбек халқи олдида, болалар уйларида хайрия концертлари, мусиқа мактабларида кўргазмали лекция-концертларини тақдим этади. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Спорт вазирлиги ҳамда бошқа ҳамкор вазирлик ва қатор ташкилотлар томонидан ўтказиладиган тадбирларда мусиқий кўмак бериб келмоқда.

Оркестр томонидан ўтказиладиган тадбирлар унинг репертуари каби хилма-хилдир. 2020-йил бутун дунё коронавирус балоси билан тўкнашди. Ана шундай огир шароитда, бутун дунё аҳолиси “эртага нима бўларкин” дея тушкунликка тушиб қолганда, шифокорларга далда бериш, инсониятга озгина бўлсада далда бўлиш мақсадида оркестр ходимларининг уйларида туриб мусиқий композициялар тақдим этишгани юртимиз ва бир қатор хорижий ахборот воситалари томонидан эътироф этилди. Шифокорлар билан тенгма-тенг кураш олиб борган Ички ишлар идоралари ходимлари, Мудофаа вазирлиги, Миллий Гвардия ҳарбий хизматчиларига яхши кайфият улашиш мақсадида онлайн концерт дастурлари тақдим этишганини эътироф этиш лозим.

Оркестр томонидан ҳар йили ҳисобот концертлари ўтказиш анъанага айланган. Ҳисобот концертда ўзбек ва жаҳон мусикасининг нодир намуналари профессионал даражада ижро этилиши, элимиз суйган санъаткорлар иштирок этиши мухлислар ва мутахассислар эътирофига сазовор бўлиб келмоқда. Ўзбекистон халқ артисти, Дўстлик медали, Олтин қалам мукофоти соҳибаси Галина Мелникова концертга ўзининг ёқимли овози, бой тажрибаси билан ўзгача шукуҳ бағишлайди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Алоҳида намунали кўргазмали оркестрига 2009-2017 йилларда оркестр дирижёри ва раҳбари сифатида Улугбек Алижонович Мамасолиев фаолият олиб борган.

Ички ишлар вазирлиги тизимида Янги Ўзбекистон – Янги Ички ишлар органлари шиори остида олиб борилаётган ислохотлар вазирлик оркестрини ҳам четлаб ўтмади. Оркестр моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фаолияти самарадорлигини ҳамда нуфузини ошириш мақсадида вазирлик раҳбарияти томонидан бир қатор фармоиш ва буйруқлар қабул қилинди. Оркестрнинг фаолияти жонли мусиқа ижро этиш билан чамбарчас боғлиқдир. Ички ишлар вазирлиги имиджини кенг оммага ёйишда оркестрнинг ўрни бекиёслиги инобатга олиниб, унинг фаолияти мунтазам равишда вазирлик раҳбариятининг алоҳида эътиборига олинган. Ана шу эътибор натижаси ўлароқ 2021-йилда Ички ишлар вазирлиги Оркестрлар хизмати ташкил этилди. Бу хизматнинг асосий вазифаси Ички ишлар вазирлиги тизимидаги барча оркестрлар фаолиятини мувофиқлаштириш, самарадорлигини ошириш, оркестрлар ўртасида кенг алоқаларни йўлга қўйиш, концерт ва тадбирларда катта жамоа сифатида иштирок этиш каби масалаларни қамраб олади.

Президентимизнинг маданият ва санъат соҳасида қабул қилган фармон ва қарорлари ушбу соҳа ривожига пойдевор сифатида хизмат қилмоқда.

Оркестр хизмати томонидан ходимларнинг маънавий салоҳиятини юксалтириш борасида бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Бу борада ҳозирги кунда долзарб бўлиб турган нота ва партитураларни китоб шаклида жамлаш ишларини алоҳида эътироф этиш мумкин.

Оркестр жамоаси Тараққиёт стратегияси ҳамда Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш Концепсияси бўйича белгиланган устувор йўналиш ва принциплар асосида халқимиз ёшларини ҳамда ички ишлар органларида хизмат қилаётган ходимларни ватанпарвар, жисмонан ва маънан етук, интеллектуал салоҳиятли қилиб тарбиялашдаги ишларни давом эттириб, янгидан-янги ижод намуналарини тақдим этишда давом этади.

